

MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

№6

ILMIY ELEKTRON JURNALI





ISSN: 2181-3965
VOLUME 6
TOSHKENT 2026

“MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI

Sharipov Qo‘ng‘irotboy Avezimbetovich – tahririyat kengashi raisi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, texnika fanlari doktori, professor

TAHRIRIYAT KENGASHI

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O‘quv ishlari bo‘yicha birinchi prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Abdurahmanova Gulnora Qalandarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Karimova Komila Daniyarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Yoshlar masalalari va ma’naviy-marifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Hududiy ta’lim masalalari va markazlar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Infratuzilmalarni rivojlantirish va iqtisod ishlari bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

To‘lqin Zakirovich Teshabayev –iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Kuziyev Islomjon Ne’matovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Baymuratov Tursunbay Maxkambayevich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor

Omonov Akrom Abdinazarovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Jumayev Nodir Xosiyatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, – O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Fan, ta’lim, madaniyat, sport va yoshlar masalalari qo‘mitasi raisi

Haydarov Nizomiddin Hamroyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta’lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu’min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)

Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo‘yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

Jo‘rayev Abdug‘affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va Innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ismanov Ibroxim Nabiyevich – Farg‘ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xayriddinov Azamat Botirovich – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent

Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Nurmanov Ulug‘bek Anorbayevich - Bank-moliya akademiyasi “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasi professori, iqtisodiyot fanlari doktori

Yakubova Nargiz Tursunbayevna – iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Mamatov Baxadir Safaraliyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qiyosov Sherzod Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Urazaliyev Kamoliddin Tajikulovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Teshayev Zavqiddin Jabbor o‘g‘li – Qarshi davlat universiteti Turizm va marketing kafedrasi dotsenti, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Hazratqulov Shahboz Boboqul o‘g‘li – Qarshi davlat universiteti Iqtisodiyot kafedrasi dotsenti, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li – mas’ul muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Buxorova Moxira Samandarovna – muharrir

O’zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro’yxatiga kiritilgan.

“**Moliyaviy texnologiyalar**” ilmiy elektron jurnali 23.11.2022-yildan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan **№R-566966** reyestr raqami tartibi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazilgan.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

MUNDARIJA			
1.	Jumayev Akbar Mahmudovich	Turizmning hududiy iqtisodiyotdagi o‘rni va joylashtirish resurslaridan foydalanish samaradorligini statistik baholash	8
2.	Mamutova Amina Raxmetovna	Qurilish tashkilotlarida zamonaviy va ananaviy usullarda xarajatlarni hisoblashning usullari	14
3.	Нурматова Насиба Шерзодовна, Гозиев Ризоиддин Чулпонович	Экономическая роль Узбекистана как стратегического партнера в Центральной Азии	23
4.	Amatov Azizbek G‘ayrat o‘g‘li	Tijorat banklarida aktiv va passivlarni boshqarishda obligatsiya emissiyasining o‘rni: likvidlik, muddatlar nomuvofiqligi va qayta moliyalash risklari	29
5.	Saitkulov Suxrob Shavkatovich	Budjet tashkilotlarida ichki auditning natijadorligini baholash ko‘rsatkichlari tizimini takomillashtirish	36
6.	Kulboyeva Nargiz Majitovna	Tijorat banklari faoliyatini transformatsiyalashuv jarayonini takomillashtirish	43
7.	Alimqulov Hikmatulla Bahrom o‘g‘li	Prognozdan ortiq soliq tushumlarini hududiy budjetlarda qoldirishning tabaqalashtirilgan mexanizmi	52
8.	Jo’rayev Shoxrux Yunusali o’g’li, Temirova Dilshoda Erkin qizi, Togayev Salim Sobirovich	Loyiha boshqaruvida Scope creep muammosi: sabablari, oqibatlari va oldini olish mexanizmlari	61
9.	Djurayeva Iroda Bahrom qizi	O‘zbekistonda institutsional islohotlar samaradorligini xalqaro boshqaruv indikatorlari asosida baholash	68
10.	Otaxonov Komilxon Saidolim o‘g‘li	Oliy ta’lim muassasalarining iqtisodiy barqarorligini kompleks baholash metodologiyasini takomillashtirish	73
11.	Tillaxo‘jayeva Sadoqatxon Shuxrat qizi, Ungarbayeva Aynura Baxtiyer qizi, Togayev Salim Sobirovich	Loyiha boshqaruvida xaridlar va manfaatdor tomonlar bilan ishlash	80
12.	Mexmonaliyev Abbosjon G‘ayratjon o‘g‘li	“Yashil” loyihalarni moliyalashtirishda moliyaviy-ekologik skoring modelini joriy etish mexanizmini takomillashtirish	88
13.	Shovkatov Nodirjon Ne’matjon öğli	Özbekistonda köçmas mulkni ommaviy baholaşning institutsional va metodologik asoslarini takomillaştiriş	95
14.	Jo‘rayev Isroil Ibrohimovich	Tijorat banklari faoliyati transformatsiyalashuvining bank xizmatlari raqobatbardoshligini oshirishdagi roli	103

15.	Tadjibekova Dilnoza Baxtiyarovna	Fintex to‘lov servislarining (Payme, Click, Uzum) moliyaviy inklyuziyani kengaytirishdagi roli va ahamiyati	112
16.	Davranov Odil Jumanazarovich	Surxondaryo viloyatida ovlangan baliqlar hajmi ko‘rsatkichlarini arima modeli yordamida prognozlashtirish	124
17.	Tashxodjayeva Sevara Yarashevna	HR-brendingning paydo bo‘lish shart-sharoitlari va asosiy tushunchalarining shakllanishi	135
18.	Shaislamova Nargiza Kabilovna, Zohidova Ruxsora Komiljon qizi	O‘zbekistonda islomiy moliya asosida investitsiya faoliyatini rivojlantirish yo‘nalishlari	141
19.	Сабирова Лола Шавкатовна	Взаимосвязь экономических и этических основ Узбекского предпринимательства	152
20.	Baxriyev Dilshod Rizvonkulovich	O‘zbekistonda raqamli to‘lovlar va moliyaviy texnologiyalar bozorining rivojlanishi: tendensiyalar, xatarlar va tartibga solish yo‘nalishlari	158
21.	Mamarajabov Abdisamad Saidmurot o‘g‘li	Bojxona auditida tanlov mexanizmlari va ichki nazoratni baholashning ilmiy-amaliy jihatlari	166
22.	Qilichev Sanjarbek Javlonbek o‘g‘li	Sug‘urta kompaniyalarining investitsion jozibadorligi iqtisodiy mohiyati va uni shakllantiruvchi omillarning nazariy-metodologik asoslari	173
23.	Mamatov Baxadir Safaraliyeviç	Özbekistonning xalqaro investitsiyaviy hamkorligini rivojlantirişning iqtisodiy mexanizmlari va ustuvor yönalişlari	183
24.	Ruziyev Baxtiyor Salimboyeviç	Özbekiston tijorat banklarining moliyaviy holatini topologik ma’lumotlar tahlili usulida baholaş	193
25.	Bo’riboyeva Zamiraxon Ravshan qizi	Yengil sanoat tarmoqlarida investitsiya loyihalarini moliyalaştiriş: muammolari va ularni hal etiş yöllari	202
26.	Арипов Нодир Салимович	Рақамли трансформация минтақа иқтисодиётини барқарор ривожлантириш омили сифатида	213
27.	Маматов Ахметжон Атажанович	Миллий иқтисодиётни тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари ва уни трансформациялаш омиллари	220

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ОМИЛЛАРИ

Маматов Ахметжон Атажанович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори
ORCID: 0000-0001-5315-006X
E-mail: mamatovahmadjon@rambler.ru

Аннотация. *Мақолада миллий иқтисодиётни тадқиқ этишнинг институционал, тизимли ва таркибий -функционал ёндашувларининг моҳияти ва мазмуни, илмий-назарий асослари ҳамда унинг трансформациялашувининг молиявий, технологик ва экологик йўналтирилган омиллари очиб берилган.*

Калит сўзлар: *институционал, тизимли, таркибий-функционал, трансформация, молиявий, технологик, экологик, инқироз, рақамли иқтисодиёт, глобаллашув.*

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ И ФАКТОРЫ ЕЁ ТРАНСФОРМАЦИИ

Маматов Ахметжон Атажанович
профессор
Ташкентского государственного экономического университета, д.э.н.
ORCID: 0000-0001-5315-006X
E-mail: mamatovahmadjon@rambler.ru

Аннотация. *В статье раскрываются сущность и содержание институционального, системного и структурно-функционального подходов к исследованию национальной экономики, их научно-теоретические основы, а также финансовые, технологические и экологически ориентированные факторы её трансформации.*

Ключевые слова: *институциональный, системный, структурно-функциональный, трансформация, финансовый, технологический, экологический, кризис, цифровая экономика, глобализация.*

SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE STUDY OF THE NATIONAL ECONOMY AND FACTORS OF ITS TRANSFORMATION

Mamatov Akhmetzhon Atajanovich
Professor at Tashkent State University of Economics, Doctor of Economic Sciences
ORCID: 0000-0001-5315-006X
E-mail: mamatovahmadjon@rambler.ru

Abstract. *The article explores the essence and content of institutional, systemic, and structural-functional approaches to the study of the national economy, their scientific and theoretical foundations, as well as the financial, technological, and environmentally oriented factors driving its transformation.*

Keywords: *institutional, systemic, structural-functional, transformation, financial, technological, environmental, crisis, digital economy, globalization.*

Кириш

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида миллий иқтисодиётнинг барқарор

ривожланишини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта таъсир кўрсатадиган янги технологик уклад талабларига мос келувчи иқтисодиёт таркибий тузилмасини трансформатциялаш, сунъий интеллект ёрдамида ресурсларни оқилона тақсимлаш ва трансакцион харажатларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги пайтларда ўтказилган халқаро мунозаралар “яшил иқтисодиёт” тушунчасини аниқ ишлаб чиқиш, уни барча мамлакатлар манфаатлари нуқтаи назаридан амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни чуқур таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. “Экологияни асраш, табиий ресурсларни тежаб ишлатиш, жумладан, сувдан оқилона фойдаланиш бўйича замонавий тизимларга ўтиш ишларини кучайтирдик. Мамлакатимизда “Яшил макон” дастури давом этмоқда” [1].

Адабиётлар шарҳи

Миллий иқтисодиётни трансформатциялаш омиллари назарияси хорижий иқтисодчилар А.В.Адамс, Давис Л., Норд Д., Джонсон К.Д., Хурвич Л. Ж.М. Кейнс., Э.Сото, Дж.Форрестер, Г.С.Беккер каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини тартибга солиш механизмини рус олимларидан Бузгалин, А.В., Бобылев С.Н., Вольчик, В.В., Дятлов С.А., Олейников Е.А., Поланьи К., Теняков К.А., Фейгин, Г.Ф., Ясин Е., Форрестер Дж. ва бошқалар илмий ишларида тадқиқ этишган.

Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва институционал асосларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари Республикамиз олимларидан Абдурахмонов Қ.Х., Вахобов А.В., Абулқосимов Ҳ.П., Беркинов Б.Б., Жўраев Т.Т., Маматов А.А., Асатуллаев Х.С., Беркинов Б.Б., Мирзаев Б.А., Махмудов Н.М., Бутабоев М.Т., Мамбетжанов Қ.Қ., Бахромов Ш., Тожибоева Д. ва бошқаларнинг мазкур соҳага даҳлдор илмий тадқиқот ишларини кўрсатиш мумкин.

Миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини тартибга солишнинг режали ва бозор механизмларини немис олими В. Ойкен “...ҳеч бир мамлакатда иқтисодиётни тартибга солишнинг соф шакллари мавжуд бўлмаган ва мавжуд ҳам эмас”,- деб таъкидлайди [2].

Рус олими С.А. Дятлов фикрича, бугунги кунда рақамли нейрон тармоқли иқтисодиёт фаол ривожланмоқда, бу давлат режалаштириш, бозор ва тармоқли усуллари ва мувофиқлаштириш, тартибга солиш ва ўзини ўзи тартибга солиш механизмларининг комбинатцияси билан тавсифланади [3].

Ўзбекистонлик олим Б. Б. Беркинов эса миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини тартибга солишнинг режали ва бозор механизмларини таъкидлаб “Бозор ва давлат ўртасидаги танлов фақат номукаммалликларнинг турли даражада ва турлари ўртасидаги танловдир деб ҳисоблайди. [4]

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, диалектик тизимли таҳлил, монографик таҳлил, илмий абстракция, иқтисодий-статистик, қиёсий таҳлил, график, жадвал ва таҳлил ва синтез усуллари, дедукция ва индукция усуллари, эксперт баҳолаш, усулларидан фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодий адабиётда миллий иқтисодиёт категориясини тадқиқ этиш бўйича ўнлаб илмий мактаблар ва ёндашувлар мавжуд бўлиб, бу категория миллий иқтисодиётнинг асосий иқтисодий тушунчаларидан биридир, шунинг учун иқтисодиёт назарияси фанида кўплаб олимлар уни турли жиҳатдан тадқиқ этган ва ушбу мавзу бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бироқ, фан-техника тараққиёти, даврий молиявий инқирозлар, инновацион ўзгаришлар таъсирида жаҳонда содир бўлаётган трансформацион

жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу иқтисодий категориянинг моҳияти ва назарий-услубий жиҳатлари бугунги кунда ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий фанда "миллий иқтисодиёт" категориясини ўрганишда асосан институционал, тизимли ва таркибий-функционал ёндашувлар қўлланилади. Ушбу муаммо бўйича иқтисодий фандаги барча ёндашувларни хилма-хиллиги сабабли уларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Институционал ёндашув бўйича хорижлик мактаб вакилларига В.Ойкен, К.Поланьи, Ф.Прайор, Д.Норт, Л.Девис, И.Кравец, Е.Г. Ясин, И.Д. Афанасенко ва Республикамиз олимларидан К.Ҳ.Абдураҳмонов, Абулқосимов Ҳ.П., Беркинов Б. Б., Умаров А.Т., Қулматов А.А., В.Имамов, А., Д.Тожибоева каби иқтисодчи олимлар киради. Масалан, В.Ойкен миллий иқтисодиётни тадқиқ этишда фақат назарий жиҳатдан келиб чиқишни нотўғри деб, амалий тажрибани ва ҳозирги реал воқелик шароитидаги вазиятда кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблайди. Акс ҳолда, олинган барча ҳулосалар ва натижаларни амалиётда қўллаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам В.Ойкен миллий иқтисодиётни моҳиятини унинг тарихий эволюцияси нуқтаи назаридан тадқиқ этган. Бу олимга "миллий иқтисодиётни тартибга соладиган хўжалик шакллари тўплами" сифатида иқтисодий тартиб позициясини шакллантиришга имкон берди. К.Полани миллий иқтисодиётни барча ижтимоий тузилмалар билан ўзаро алоқадорликда содир бўладиган иқтисодий жараёнларнинг ижтимоий тизимнинг элементи сифатида изоҳлайди[5]. Ф. Прайор миллий иқтисодиётни бевосита ёки билвосита иқтисодий хулқга ва унинг натижаларга таъсир этувчи барча институтларни қўшади.

Рус олимлари Э.Г.Ясин миллий иқтисодиётни иқтисодий муносабатлар субъектларининг хулқ моделларини иқтисодий тизимнинг элементи сифатида қараб, иқтисодий тизимни ялпи аниқ ўзаро боғлиқ хўжалик шакллари, бошқарув усуллари, муайян ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келадиган иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг стереотиплари [6]. деб таърифлайди. И.Д.Афанасенконинг таъкидлашича, миллий иқтисодиёт - бу амалий тажриба ва илмий билимга эга бўлган корхона, маълум бир халқ томонидан яратилган янги воқелик, бу унинг “узоқ умр кўриш мехнати” асоси ҳисобланади. Бундай тизимни ўзбошимчалик билан, ихтиёрий равишда, бошқаси билан алмаштириш мумкин эмас, уни нусхалаш ва шу тариқа бошқа муҳитга ўтказиш хам мумкин эмас. Бу аниқ табиий-тарихий шарт-шароитда, маълум бир маданий муҳитда шаклланганлиги ва объектнинг атроф-муҳит билан алоқаси бу ерда соддалаштирилган талқин қилишга имкон бермаслиги билан изоҳланади. Турли халқлар томонидан яратилган маданиятлар ўзига хос бўлганлиги сабабли, табиатда универсал ижтимоий тизимлар хам мавжуд эмас. Хўжалик юритишнинг алоҳида бир муайян шаклларини ўзида ўзлаштириб олиши мумкин, лекин у ҳам жуда қаттиқ чекловларга эга. “Ўзлаштириш механизмини тушуниш учун ижтимоий тизимларни ташкил этишнинг ўига хос хусусиятларини кўриб чиқиш керак[7].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар хулосаларига кўра “Институционал иқтисодиёт – бу иқтисодий назария ва хўжалик амалиётини институционал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигида ўрганувчи замонавий иқтисодий фикрларнинг илмий йўналишларидан биридир. Ушбу йўналиш Ғарб мамлакатлари иқтисодиётининг ривожланиши, талаб ва таклиф қонунларининг ишлаши, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳулқ-атвори, бозор ва маъмурий механизмларнинг фаолият кўрсатиши, иқтисодий ўсиш ва шу каби бошқа бир қатор жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганишда кенг тадбиқ этиб келинмоқда [8]. Янги иқтисодий муносабатлар тизимида институтционал тузилманинг трансформатция жараёнида кенг тадқиқ этган, Д.Тожибоеванинг фикрича, “Рақамли иқтисодиёт фақатгина инсоннинг интеллектуал салоҳияти туфайлигина эмас, балки институционал муҳит яратилиши, бу муҳитнинг бизнес ва истеъмолчилар амалиёти, иқтисодий агентларнинг ахборот ва коммуникатцион компонентлар билан таъминланишининг шакли, усулларини ўзгартиришига таъсир кўрсатиши ҳам муҳим ўрин тутади [9]. Бу жиҳатдан рақамли иқтисодиётга ёндашиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унга берилган таърифларда акс этади.

Тизимли ёндашув вакилларига хорижлик иқтисодчи олимлар- Д.Ю. Мирополский, П. Грегори ва Р. Стюарт, Г.Ф. Фейгин, А.И. Попов ва Республикамиз иқтисодчи олимларидан Т.Т.Жўраев, Н.Маҳмудов, Б.Рузметов, А.Бекмуродов, Б.К.Умурзаков, У.Гафуров, А.Ф. Расулев С. А. Воронин, Б. Мамараҳимов Б. ва бошқалар киради. Д.Ю. Мирополский миллий иқтисодиётни ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнига доимий кириб келувчи “бир бутун, маҳсулот сифатида тавсифлайди”. П. Грегори ва Р. Стюарт миллий иқтисодиётни маълум бир географик ҳудудда ишлаб чиқариш, даромад ва истеъмолга оид қарорларни қабул қилиш ва уни амалга оширувчи ялпи механизмлар ва институтлар йиғиндиси сифатида аниқлайди.

Рус олими Г.Ф.Фейгин “миллий иқтисодиётни моҳиятини ишлаб чиқариш ва истеъмолни ташкил этиш механизми сифатида изоҳлайди [10]. Гап ресурсларни (ишлаб чиқариш омилларини) қайта ишловчи ва якуний маҳсулот (товар ва хизматлар) яратувчи хўжалик юритувчи субектлар ихтиёрига бериш ҳақида кетмоқда. Ишлаб чиқарилган бойликлар кейинчалик тақсимланиши ва охир-оқибат якуний истеъмолчиларга етиб бориши керак. Бундан ташқари, миллий иқтисодиётни тавсифлаш учун, муаллифнинг фикрича, ишлаб чиқариш ва истеъмол доимий равишда янгиланиб, такомиллашиб туриши керак, яъни миллий иқтисодиётни такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаши керак, шунингдек, иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг: маҳаллий, тармоқ, минтақавий, миллий ва глобал даражаларини ажратиб кўрсатиш керак. Яратилган бойликларни қиймат жиҳатдан баҳолашга ва эквивалент айирбошлашга асосланган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларнинг ўзаро боғлиқ тизими бўлиб, шу билан бирга миллий хўжалик энг муҳим элементи сифатида, иқтисодий жараёнларни олиб боришда энг самарали усулларидан фойдаланилиш деб таъкидланади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Т.Т.Жўраев хулосасига кўра: “бу замон ва маконда амал қилинадиган иқтисодий муносабатлар, иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик юритиш механизми, технология ва иқтисодий муассасаларнинг ўзаро узвий боғлиқлик асосида таркиб торган яхлит тузилмасидир [11]. Иқтисодий тизимларнинг таркибий қисмлари бу: иқтисодий муносабатлар, хўжалик юритиш шакллари, технология ва ишлаб чиқаришнинг табиий шарт-шароитлари, хўжалик юритиш механизлари, иқтисодий муассасалардир. Таъсир этиш табиати иқтисодий тизим самарадорлигини ошириш ёки пасайтириш имконияти билан, глобаллашув шароитида эса - глобал рақобатбардошлик даражасининг ўзгариши билан аниқланади.

Таркибий - функционал ёндашув бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган хорижий мактаб вакилларига А.В.Харламов, А.Н. Пригожин, О.А.Ушакова, И.М. Сыроежин, С.А. Дятлов. А.В. Харламов ва Республикамиз олимларидан Мамбетжанов Қ. Қ., А. А. Маматов, А.Ф.Хуррамов, С.В.Чепель, У.А.Мадраҳимов, Б.Б.Валиев каби олимларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Рус олимлари И.М.Сироежин миллий иқтисодиётни кибернетик ёндашув нуқтаи назаридан қарор қабул қилишда иқтисодий манфаатларни тартибга солишнинг маълум бирлигига эга бўлган маъмурий марказлар тўплами сифатида белгилайди. У тақсимот марказини миллий иқтисодиётни асоси деб ҳисоблайди, иқтисодий тизимнинг ўзи эса қатъий иерархик таркибий тузилмага эга бўлиб, ўзини-ўзи тартибга солиш ва бошқариш элементларига эга бўлган тармоқланган, кўп босқичли тизим сифатида қаралади [12]. Шундай қилиб, миллий иқтисодиётни моҳиятини аниқлашнинг юқоридаги учта йўналиши ҳам унинг муҳим томонларини очиб беради ва уларнинг ҳар бири мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистонлик олим Мамбетжанов Қ.Қ. фикрига кўра “Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ЯИМ тармоқ таркибини такомиллаштиришнинг муҳим устувор йўналиши юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, фан ва техника тараққиётининг ютуқларини мужассамлаштирадиган юқори технологик тармоқ ва соҳаларни тараққиётнинг инноватsion йўлига ўтказиб боришдир [13].

Институционал тузилмани трансформатцияси экзоген, эндоген омиллар ва комбинатцион омиллари таъсирида содир бўлиши мумкин. Экзоген омиллар деганда ташқи шароитдан келиб чиқадиган омиллар: инқирозлар ва бошқа иқтисодий ҳодисалар, табиий ва иқлимий ҳодисалар тушунилади. Эндоген омиллар институционал ўзгаришларнинг ички сабаблари: иқтисодиётнинг циклик табиати, янги кашфиётлар, технологияларнинг пайдо бўлиши. Комбинатцион тавсифдаги омиллар синергетик таъсир орқали институционал тузилмаларга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар мажмуасидир .

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида реал институтларнинг вертуал шаклга эга бўлиш тенденсиясини қайд этиши мумкин. Институтларни амалга оширишнинг янги шаклининг кутилаётган ижобий самарасини бюрократик тартибларни соддалаштириш, вақт ва моддий харажатларни камайтиришда ифодалаш мумкин. Институционал иқтисодиёт назарияси доирасида ахборот технологияларининг кенг тарқалиши туфайли электрон институционализм йўналиши шаклланмоқда. Ахборот-коммуникатция технологияларини жорий этишнинг халқаро тенденцияси таҳлили бугунги кунда ишлаб чиқаришни бошқариш, ресурсларни тежаш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифат параметрларини қатъий назорат қилишга қаратилган интегратциялашган аппарат-дастурий мажмуаларини жорий этиш истиқболли йўналишлардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Юқорида турли муаллифлар томонидан берилган таърифларни таҳлил этиш шуни кўрсатдики, иқтисодий назарияда илмий йўналиш ва ёндашувларга кўра миллий иқтисодиёт категориясининг кўплаб талқинлари ва таърифлари мавжуд. Иқтисодиётнинг ривожланиши, илмий-техникавий тараққиёт ва бунинг натижасида янги тадқиқотларнинг пайдо бўлиши, шу жумладан молия секторидаги иқтисодий муносабатларнинг трансформацияси таъсири остида, ушбу атаманинг моҳиятини очиб берувчи тобора кўпроқ муаллифлик талқинлари, янги таърифлари пайдо бўлмоқда. Ушбу атаманинг моҳияти, кўп қирралилиги ва уни турли жиҳатлардан кўриб чиқишнинг мавжуд имконияти илмий жамоатчиликга ушбу мавзуни тадқиқ этишга ва унинг янги таърифларни излаш ва шакллантиришга доимий қизиқишини ортиб боришига олиб келмоқда.

Иқтисодиёт назариясидаги мавжуд таърифларни иқтисодиёт даражаси нуқтаи назаридан таснифлаш мумкин. Бизнинг тадқиқотимизда тўртта даражани кўриб чиқамиз: алоҳида хўжалик субъектининг иқтисодиёти (микродаража), минтақа хўжалик иқтисодиёти (мезодаража), миллий хўжалик иқтисодиёти (макродаража) ва жаҳон хўжалик иқтисодиётини (мега даражаси) кўриб чиқиш мумкин.


Иқтисодиётнинг барча тўрт даражаси, глобаллашув даври туфайли, яқин алоқаларга эга ва бир-бирига ижобий хам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мега даражадаги хўжалик тизимлар узлуксиз ўзгариб, трансформациялашиб тўғридан-тўғри, билвосита ёки вақт ўтиши билан дунёнинг барча давлатлари жаҳон бозорида содир бўлаётган ўзгаришларни бошдан кечирмоқда, чунки деярли барча давлатлар мега хўжалик тизимига интеграциялашган. Бундан ҳам тезроқ, макро даражада, яъни бир давлат миллий иқтисодиёт доирасидаги ўзгаришлар минтақалар иқтисодиётида ўз аксини топади ва катта таъсир кўрсатади, чунки улар ушбу тизимнинг бир қисмидир. Микро даража вакиллари эса дунёдаги, ўз мамлакатидаги ва минтақасидаги содир бўлаётган жараёнларга, ўзгаришларга таянган ҳолда муносабат билдиришга ҳаракат қилишлари керак. Шу билан бирга, иерархиянинг энг қуйи даражаларида содир бўладиган трансформатциялар ва тебранишлар йиғиндиси охир-оқибат юқори даражадаги миллий хўжаликга таъсир қилади ва уларни ўзгартиришга мажбур қилади.

Жаҳон хўжалиги давлатлари ўртасидаги чуқур ўзаро таъсир ва ҳамкорлик алоқаларини доимий равишда кенгайтириш ва шу билан бирга, баъзилар ўртасидаги хўжалик алоқаларини узилиши, бошқалардан изолация қилиниши ва аксинча, янги коалициялар ва иттифоқларнинг шаклланишига асосланган, глобал рақобат ва геосиёсий қарама-қаршилик шароитида миллий иқтисодиётларнинг ҳолати ва ривожланишини тадқиқ

этиш долзарб бўлиб қолади. Макроиқтисодий нуқтаи назардан, миллий иқтисодиёт мулкчиликнинг ҳукмрон бўлган шаклларининг маълум бир устуворлиги сифатида, шу жумладан уларни ташкил этиш ва унда содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар нуқтаи назаридан қаралади.

Ўз навбатида, минтақа иқтисодий тизими аллақачон миллий иқтисодиётнинг қуйи тизими сифатида қаралади, унда давлат даражасида ривожланишнинг фаол ташқи тартибга солувчи функциялари ва ролини бажариши мумкин. Шу билан бирга, миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан, минтақа ўзига хос ривожланиши ва хўжалик юритувчи субъектлар - корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро боғлиқлик тизимининг хусусиятлари билан ҳудуднинг алоҳидалашган қисми сифатида фаолият олиб боради.

Макродаражадаги миллий иқтисодиёт, хўжалик юритувчи субъектларнинг (алоҳида корхона ва ташкилотлар) хўжалик фаолияти хусусиятларига бевосита таъсир кўрсатади, бу эса уни ташкил этиш ва фаолият юритиш жиҳатларини микродаражада ўрганишни ташкил қилади. Институтционал нуқтаи назардан миллий иқтисодиёт - бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида институтлар - меъёрлар ва муассасалар - субъектлар ўртасидаги самарали ўзаро таъсир тизими бўлиб, у муайян маъмурий бошқарувни ёки хўжалик юритувчи субектни изчил ривожланишини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, ҳар қандай миллий иқтисодиёт трансформация жараёнларига бўйсунади ва унинг элементларининг ўзгариши натижасида ўз турини ўзгартириши хам мумкин. Миллий иқтисодиётни трансформатциясига таъсир қилувчи омиллар 1-расмда келтирилган. Ушбу омилларга мувофиқ, замонавий дунёда миллий иқтисодиётни юритишнинг учта асосий тури мавжуд: молиявий, технологик ва экологик йўналтирилган. Миллий иқтисодиётларнинг ўрин алмашуви иқтисодий зарурат бўлганда юз беради. Бир тизим салоҳияти тугатилгач, бошқа, салоҳияти истиқболли тизимга ўтилади. Салоҳиятни тугатилиши тизим ичидаги мувозанатнинг бузилишидан келиб чиқади[14].



1-расм. Миллий иқтисодиётни трансформациясига таъсир этувчи омиллар*

**Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.*

Молиявий йўналтирилган миллий иқтисодиёт тури учун тизимнинг барқарор ривожланиши молиявий омилнинг гипертрофиллашган таъсири остида шаклланади ва хўжалик юритишнинг бошқа турлари ва умуман табиат билан муносабатлар муқаррар равишда ресурслардан фойдаланиш хусусиятига эга бўлади. Трансмиллий корпоратцияларнинг (ТМК) кенг тарқалган фаолияти бундай миллий иқтисодиётга мисол бўла олади, улар бутун халқларнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий манфаатларини

минималлаштириб, хусусий молиявий манфаатларга эришадилар. Трансмиллий корпоратциялар миқёсидаги самара, илмий-техника тараққиёти натижаларидан фойдаланиш имконияти ва бошқалар туфайли миллий иқтисодиётни ишлаб чиқарувчиларга нисбатан сезиларли устуворликларга эга. Шунинг учун улар қуйи ривожланиш даражасига эга мамлакатлар бозорларида мавжудлиги миллий иқтисодиётни ишлаб чиқаришнинг заифлашишига олиб келади, шунинг учун миллий давлатлар протекционистик сиёсат ёрдамида бунга қарши туришга ҳаракат қиладилар.

Миллий иқтисодиётнинг иккинчиси, саноатга йўналтирилган хўжалик тури бўлиб маҳсулотнинг товар массасини ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Юқорида кўриб чиқилган миллий иқтисодиёт туридан фарқли ўлароқ, у анъанавий эҳтиёжларни - озиқ-овқат, асосий моддий неъматларни қондиришга қаратилган. Хитой давлатидаги миллий иқтисодиёт шундай деб ҳисоблаш мумкин - ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва саноат товарларини оммавий ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ўтиш уна экологик муаммоларга олиб келди. Аслида бундай миллий иқтисодиётни антропоген бўлиб ҳисобланади. У сунъий яшаш муҳитини яратиш ва ривожлантиришни кўзда тутади. Табиийки, бу ҳолда миллий иқтисодиётни фаолияти экологик жиҳатдан мувозанатли бўлиши мумкин, аммо бунинг учун у иқтисодий эҳтиёжлар учун экологик ресурсларни олиб қўйишни чеклаш билан бошқарилиши керак.

Миллий иқтисодиётнинг учинчи тури атроф-муҳитга, экологик йўналтирилган. Унинг ўзига хос хусусияти ўз-ўзини англаш даражаси юқори бўлган махсус жамият сифатида аҳолини такрор ишлаб чиқариш учун шарт-шароитларни таъминлаш зарурати билан боғлиқ ҳолда, экологик мақсадларнинг иқтисодий мақсадлардан тўлиқ устунлигидир. «Яшил» иқтисодиёт ва экологик тоза технологиялар бўйича С. Ловинс ва А. Ловинснинг тадқиқотлари экология ва иқтисодиётни уйғунлаштириш масалаларига бағишланган. Улар экологик тоза технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари, ресурсларни қайта тиклаш ва «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш йўлларини таклиф қилган[15]. Бу эса иқтисодий ўсишни атроф-муҳитнинг деградатsiясиз таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Экологик омиллар нафақат иқтисодий ривожланишни таъминлашда, балки иқтисодий самарадорликни оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу омиллар энергия самарадорлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва чиқиндиларни қайта ишлаш каби кўрсаткичларни ўз ичига олади. Давлат сиёсати ва бизнес стратегияларининг экологик омилларни ҳисобга олиш орқали ривожланиш моделини шакллантириш зарурати мавжуд. Ушбу модел орқали нафақат иқтисодий ўсиш, балки атроф-муҳитнинг сақланиши ҳам таъминланиши лозим. Масалан, чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида иқтисодий ва экологик самарадорликни ошириш, ресурсларни тежаш ва энергия самарадорлигини таъминлашга эришиш мумкин. Ушбу турдаги миллий иқтисодиётда деярли барча амалдаги атроф-муҳитни шакллантириш ғоясига бўйсунади, бунда ҳаракатлар табиий тизимларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Иқтисодий ривожланиш ва экологик барқарорлик ўртасидаги мувозанатнинг барқарор тараққиёт учун зарурлигини кўрсатди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, энергия самарадорлигини ошириш, углерод изини камайтириш ва қайта тикланувчи энергияга ўтиш иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга экологик барқарорликка хизмат қилади. Шунингдек, иқтисодиёт ва атроф-муҳитни мувозанатлаш орқали нафақат табиий ресурсларни сақлаш, балки келажак авлодлар учун соғлом яшаш муҳити яратишга ҳам имкон берилади. Шу боис, ривожланиш сиёсати доимий равишда экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий сиёсат ва экологик стратегияларни биргаликда олиб бориш орқали нафақат атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, балки узоқ муддатли иқтисодий барқарорликка ҳам эришиш мумкин. Экологик тоза технологиялар, «яшил» иқтисодиёт консепсияси ва ресурсларни самарали бошқариш

жараёнлари экологик хавфсизликни таъминлаш билан бирга, иқтисодий ўсишни ҳам қўллаб-қувватлайди [16].

Номлари келтирилган миллий иқтисодиёт турларини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, реал амалиётда улар параллел равишда бирга мавжуд ва бир-бирига боғлиқ бўлади, аммо унда миллий иқтисодиётнинг бир тури бошқасидан устун туради. Замонавий тарихда биринчи икки турнинг устунлиги билан тавсифланади, молиявий йўналтирилганлик аниқ ёки билвосита постиндустриал жамият деб аталадиган тизим билан идентификация қилинади. Бир тизимдан иккинчисига ўтиш ҳар доим жиддий муаммоларни ўз ичига олади.

Хулоса

Хулоса сифатида миллий иқтисодиёт - ижтимоий-иқтисодий муносабатлар доирасида фаолият юритувчи, жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларини ва бойликларини қондиришга қаратилган иқтисодиётнинг микро, мезо, макро ва мега даражаларида институтлар ва тартибга солиш механизмлари билан ўзаро боғлиқ, ялпи хўжалик фаолияти турларининг маълум тартибланган мажмуи сифатида қаралади. Шундай қилиб, миллий иқтисодиёт деб элементлар, қисмлардан иборат ўзаро узвий боғланган, маълум тартиб асосида таркиб топган бутунлик тушунилади. Иқтисодий алоқалар, жараёнлар мисоли занжир бўлса, ҳар бир хўжалик юритиш субъекти ана шу занжирнинг ҳалқаси тарзида намоён бўлади. Бу алоқалар, муносабатлар хўжалик фаолияти юритаётган кишилар ўртасида юз беради. Шунинг учун ҳам одатда уларни ижтимоий-иқтисодий тизимлар деб юритилади. Бу таърифнинг мавжудлардан фарқи шундаки, у миллий иқтисодиёт моҳиятини аниқлашда объектив ва субъектив тамойилларни ўзида мужассам этганлиги билан миллий хўжалик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ажратиб кўрсатиш, мақсад ва вазифаларни белгилаш ҳамда уни тартибга солиш механизмини асослаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2024 йил 1 сентябрь.

11. Ойкен, В. Основы натциональной экономии / Предисл. В. Автономова, В. Гутника; Послесл. В. Освальта – Москва: Экономика, 1996. – 349 с.

12. Дятлов, С.А. Искусственный интеллект как институт развития цифровой нейросетевой экономики // Известия СПб ГЭУ. – 2021. – № 2 (128). – С. 25-29.

13. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. Дарслик.-Т.: “Инновацион-Зиё”, 2024.-332 б.

14. Поланьи, К. Великая. Трансформатция: политические и экономические истоки нашего времени. – СПб., 2002. – 321 с.

15. Теняков, И.М. Альтернативы стагнатции российской экономики: новый геополит экономический контекст/ И.М. Теняков, К.А. Хубиев, Д. Б. Эпштейн, А.В. Заздравных // Пространство экономики. - 2022. - №2. – С. 40-58.

16. Афанасенко, И. Д. Теория устойчивости хозяйственных систем / И.Д. Афанасенко // Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета. – 2012. – № 4. – С. 7-17.

17. Институционал иқтисодиёт: дарслик./ Ҳ.П.Абулқосимов, Б. Б. Беркинов, М. Ҳ. Абулқосимов, А.Т.Умаров, А. А. Қулматов– Т. 2020. – 430 б.

18. Тожибоева Д. Рақамли иқтисодиёт институционал назариянинг янги йўналиши сифатида. “Иқтисод ва молия” журнали 2021, №1. –Б. 95.

19. Фейгин, Г.Ф. Хозяйственные системы современных государств: общие принципы функционирования и натциональная специфика. – 2019. – С. 470-472.

20. Жўраев Т.Т., М.А.Хамдамов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т. 2024 йил. Б.39.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

21. Сыроежин, И.М. Экономическая кибернетика. Основы теории хозяйственный систем. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1974. – 408 с.

22. Мамбетжанов Қ.Қ. Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий тузилиши ва унинг ўзгариш тенденциялари. - Т., 2018 йил. www.wc.tseu.uz

23. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. ТДИУ. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. –Б.70.

24. Lovins, S., & Lovins, A. Reinventing Fire: Bold Business Solutions for the New Energy Era. Chelsea Green Publishing.

25. Турдиева И.И. Иқтисодиёт ва экология мувозанати: барқарор тараққиётга ёндашув. “Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт” журнали. 2024 йил. №10. Б.345.